

## ТЕНДЕР — ИШ СИФАТИ ГАРОВИ

**Курилиш ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва рағбатлантириш, улар раҳбарларининг бажариладиган ишлар сифати учун масъулиятини ошириш, шунингдек, ушбу тармоқ ташкилотлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 1998 йил 3 августдаги «Капитал курилишида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида соғлом рақобатни ташкил қилиш мақсадида энг муҳим курилиш объектлари учун тендер асосида бон пудратчиларни белгилашга қарор қилинди. Бу ўқув муассасаларини қуришга ҳам тааллуғлидир.**

Чунончи, Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини бажариш учун ва Республика Вазиirlар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ривожлантириш ва моддий-техник базасини мўлажаллаштиришни» 1999—2005 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги махсус комиссия томонидан тендер танлови асосида пойтахтда иккита шундай объект — академик лицей ва касб-хунар коллежининг курилиши учун пудрат ташкилотлари белгиланди ва курилиш ишлари бошланиб кетди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнazarов раислиги ва курилиш ташкилотларининг раҳбарлари ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирокида ўтган тендер комиссиясининг навбатдаги йиғилишида бу йил амалга оширилиши режалаштирилган тўққизта академик лицейни қайта таъмирлашни ўтказиш учун энг яхши бош пудратчилар аниқланди.

Танлов савдоларида мулкчиликнинг ҳар хил шакллари тааллуқли бўлган 23 та курилиш бошқармалари қатнашди. Комиссия томонидан тендерга 18 та ташкилот қўйилган бўлиб, бешта вакилларнинг ҳужжатлари танлов шартларига тўғри келмади.

Комиссия йиғилишида 18 та даввогардан тўққизта лицейни қайта таъмирлаш учун мос равишда тўққизта пудрат ташки-

лотларини танлаш лозим эди. Танлов учун қўйиладиган энг муҳим шарт шунда эдики, биринчи навбатда номзод томонидан берилган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳисобга олинardi. Жумладан, бунда ким объект курилиши ёки қайта таъмирлашни учун энг кам харажатлар миқдорини тақлиф этган бўлса, уларга устуңлик берилди. Бироқ иқтисодий ҳолат, шунингдек, тендерда қатнашган курилиш бошқармаларининг ишни сифатли бажариши бўйича кўрсаткичлари ҳам муҳим омил вазифасини ўтади.

Шундай қилиб, 306, 309-мактаблар, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислиги институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти, юридик институти негизидаги академик лицейларни қайта таъмирлаш учун «Сифат» АПСОнинг 36-курилиш бошқармаси, «Ижодий лаборатория» масъулияти чекланган жамият, «Яшма-нур» хусусий фирмаси, «Ўз-диққурилиш» ВПСОнинг 4-таъмирлаш-курилиш бошқармаси, «Курилиш лойиҳа сервис» масъулияти чекланган жамият, «Агрова-тоқурилиштаъминот» жамоа корхонаси, «Зардоркурилиш» кичик корхонаси, «Эркин курувчи» фирмаси танлаб олинди. Тошкент давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейни таъмирлашни ўтказиш учун бўлган савдода «Орол элчиси» фирмаси ва «Тошсанoатфукaрокурилиш» ҳиссадорлик жамияти иштирок этди. Биринчи номзод харажатнинг энг кам суммасини тақлиф этганига қарамай, айрим бахсли масалалар туфайли ушбу иншоот бўйича даввогарни танлаш иши тендер иштирокчиси бўлиши Курилиш бошқармаси фаолиятини кўшимча ўрганиш учун кейинга сурилди.

Комиссия йиғилишида бош пудратчилар — кўрик-танлов савдоси голиблари бир неча кун ичида тақлиф этилган иншоотларни таъмирлашга киришишлари ва янги ўқув йилига ишни «тахт қилиб» тугаллашлари лозимлиги гапирилди.

## ХОТИРЛАШ — ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида яқинлашиб келаётган 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунини ўтказишга таъйяргарлик кўриш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнazarов Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 Майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб эшиттирди.

Сўнгра ушбу сананинг моҳияти хусусида гапираркан, шу кунни Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилган, ҳозир-

да дунёдан кўз юмиб кетган инсонларни эслаб, уларнинг оила аъзоларини зиёрат қилиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари диққат назарида бўлиши лозимлигини ўқитди. Шунингдек, мазкур сана арафасида қабристонларни тартибга келтириш тадбирларини ўтказиш мўлжалланаётганини ҳам билдирди. Туманлар ҳокимлари ўринбосарларига ҳўжурда зикр этилган ҳўжат юзасидан қилинадиган ишлар бўйича тақлиф ва мулоҳазалар, режалар тузиб тақдим этиш вазифаси топширилди.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИДА НОРАСМИЙ ТАШКИЛ ТОПГАН «МАРДИКОР» БОЗОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Тошкент шаҳар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг оддини олиш, ҳар хил минтақалардан «мардикор» ниқоби остида келаётган шахслар томонидан содир этилаётган қонунбузарлик, жиноятчилик ҳолатларига барҳам бериш ва паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов «Тошкент шаҳар ҳудудида норасмий ташкил топган «мардикор» бозорлари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳудудида норасмий ташкил топган ва тупаётган «мардикор» бозорларининг фаолияти тақиқланди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси зиммасига:

Шаҳар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш мақсадида «мардикор» бозорларини вужудга келтирмаслик юзасидан чора-тадбирларни кучайтириш; Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ва шахсини аниқловчи тегишли ҳўжатларсиз мардикорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар аниқланган тақдирда, уларни рўйхатдан ўтган манзилларига амалдаги тартиб асосида зудлик билан жўнатилишини таъминлаш; Рўйхатдан ўтмаган, ҳўжатсиз ша-


хсларни ўз турар жойларида яшашига йўл қўйган фуқаролар ҳамда рўйхатдан ўтмаган шахсларни ишга қабул қилишга йўл қўйган мансабдор ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 223-моддаси асосида жавобгарликка тортилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Ушбу қарор ижросини таъминлашда милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳамда милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларида қаршилик кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 194, 195-моддалари асосида жарима солинади ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилди.

Меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси зиммасига:

Тошкент шаҳар ҳудудида меҳнат қобилиятига эга бўлган ишсиз фуқароларни аниқлаб, ишга жойлаштириш ёки фойдалани меҳнатга жалб қилиш чораларини кўриш топширилди.

«Тошкент оқшомби» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг муҳарририятига мазкур қарорнинг моҳиятини мунтазам равишда ёритиб бориш топширилди.



Пойтахтимизда яқинда қуриб битказилган тўрт қолдузли «Хилтон-Тошкент» меҳмонхона биноси. Рустам Шарипов олган сурат.

## НАВРЎ СОВФАСИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида болажонларга Наврў совғиси сифатида «1002 кеча ёки Наврўзбекнинг гаройиб саргузаштлари» мусикали спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.**

Спектакль муаллифлари — режиссёрлар Х. Қосимов ва А. Слоним, балетмейстерлар — И. Юсупов ва Г. Измайловларнинг ижод маҳсули бўлган ушбу сахна асарига А. Мухамедьянова, Г. Бойжонова, Х. Йўлдошев, Я. Багрянская, Г. Азизова, Г. Зокирова каби театрнинг етакчи актёрлари ўз ролларини қиёмига етказиб ижро этганлар.

Чиройли, Наврўз руҳида байрамона безатилган сахнада «Уйкудаги гўзал», «Доктор Войжоним» каби балетлар, «Кармен», «Алибобо ва қирқ қароқчи», ал-Фаргоний, «Алоиддиннинг сеҳрли шамчироғи» каби операларнинг энг қувноқ сара лавзалари спектаклда Наврўзбекнинг саргузаштларига уйғунлашган ҳолда ўз ифодасини топган.

«1002 кеча ёки Наврўзбекнинг гаройиб саргузаштлари» спектакли театр сахнасида ўқувчиларнинг баҳорги таътиллари тугагунга қадар давом этади.

Даврон ИСАЕВ.

## «ПАХТАКОР»ДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

**Юртимизга баҳор ва янгиликнинг байрами — Наврўз олам билан бирга ишқибозлар узoқ вақт орзиқиб кутган катта футбол ҳам кириб келди.**

**КЕЧА**

«Пахтакор» марказий ўйингоҳидан янграган қарнай-сурнай садовари шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси VIII Миллий чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлаётганини билдириб чор атрофдан ишқибозларни стадионга чорлаб бошлади.

Сўнг ўйингоҳга йиғилган кўп сонли мухлислар республика санъат усталари иштирокидаги махсус концерт дастурини мириқиб тинглашди. Чигилёзда машқларини бажариш учун майдонга тушган «Пахтакор» ва «Трактор» жамоаларини олқишлар билан кутиб олишди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Пахтакор» клубининг вице-президенти Равшан Файзуллаев табрик учун сўзга чиқиб, барча футбол ишқибоз-

ларини Наврўз байрами ва VIII Миллий чемпионат мавсуми очилиши билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги номидан қизгин кутлади, «Пахтакор» га мавсумда ҳам чемпионлик унвонларини насиб этишини тилади.

Ҳар иккала жамоа сардорлари Игор Шквирин ва Абдуҷалил Абдуғаниевлар миллий чемпионат байроғини кўтаришгандан сўнг, қизикариб ўйин бошланиб кетди.

«Пахтакор» жамоаси ушбу ўйинда куйидаги таркибда катнашди: Р. Аҳмедонов, Б. Ашурматов, Р. Шоймардонов, А. Стрельцов (В. Бунтов), Б. Қамбаралиев, О. Пирматов, А. Хаустунов, Н. Нурматов (А. Абдураимов), И. Шквирин (А. Ақопян), А. Писарев.

Ўйин бошланишидан оқ «Пахтакор» ташаббусчи ўз қўлига олиб, илбидатли ҳўжумлар уюштира бошлади. Иккинчи дақиқадаёқ Отабек Пирматовнинг узoқдан берган аниқ зарбаси дарвоза тўрига тушди. Шундан сўнг «Трактор» ҳам бир неча хавфли қарши ҳўжумлар уюштирди. Ўттизичини дақиқада чап бурчакдан жарима майдончасига ёриб қирган Писарев кучли зарба билан иккинчи голни киритди. Оранда етти дақиқа ўтган ўйинда ўзи ажойиб чиқарилган бурчак тўпидан унумли фойдаланган ҳолда ўнчинчи тўпни дарвозага йўллади.

Яна уч дақиқадан сўнг Александр Писаревнинг ўзи ҳимоячилари қайтарган тўпни қабул қилиб олиб, чамаси 14 метрлардан туриб аниқ зарба билан ҳисобни 4:0 га етказди. Шу тариха ўн дақиқа ичида «Пахтакор»нинг янги ўйинчиси Писарев кетмакет учта тўп киритиб, «хэтрик»ка эришган ҳолда футбол байрамига келган ишқибозлар кўнглини бениҳоят шод этди.

Ўйиннинг иккинчи бўлими-

## ЖАҲОНДА

● Россия Федерацияси Бош вазири Евгений Примаковнинг 23 мартдан бошлаб АҚШга мўлжалланган ташири бекор қилинди. Кеча Евгений Примаков Вашингтонга учиб борди. Йўлда у Ирландияда тўхтаб ўтди ва Косоводаги вазият хусусидаги ўз фикрларини айтди, кейин эса самолёт бортида АҚШ вице-президенти А. Гор билан Косоводаги воқеаларнинг бориши хусусида телефон орқали гаплашгандан сўнг Москвага қайтиб кетишга қарор қилди. Маълумки, Евгений Примаков иқтисодий ва технология ҳамкорлик бўйича Россия-Америка комиссиясининг навбатдаги сессияси ишида қатнашиши керак эди. Бугун Евгений Примаковнинг Президент Борис Ельцин билан Косово муаммоси юзасидан учрашуви қутулмоқда. Россия Хафсизлик Кенгашининг бугун бўладиган мажлиси ҳам ана шу масалага бағишланади.

● Вашингтоннинг махсус вакили Р. Холбрукнинг Югославия Президенти С. Милошевич билан Косовога НАТО қўшинларини олиб кириш хусусида олиб борган музокаралари натижасиз тугади. Косово бўйича битимнинг ҳарбий қисмини Сербия томонидан имзолаш рад этилган тақдирда НАТО раҳбариятининг Югославия бўйлаб ракета-бомба зарбалари бериш тўғрисида илгари қабул қилган қарори энди яқин вақт ичида амалга оширилиши мумкин. Югославияда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Исроил Бош вазири Беньямин Нетаняху Москвага сафар қилди. У Бош вазири Евгений Примаков ҳамда Ташқи ишлар вазири Игорь Иванов билан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммоларига тааллуқли масалаларни муҳокама қилди.

● Молдова Президенти П. Лучинский Молдовани президентлик республикасига айлантириш тўғрисидаги референдумни 23 майда ўтказишни белгилади.

● Бугун Берлинда Европа Иттифоқининг олий даражадаги навбатдан ташқари сессияси очилади. Унда кўриладиган масалалар ичида Еврокомиссиянинг янги таркиби ва унинг раҳбарияти тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилади.

● Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе қисқа ташири билан Грузияга келган Исроил Бош вазири Беньямин Нетаняху билан учрашди.

● Кеча Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташири билан Швецияга келди. Унинг мамлакат раҳбарияти билан учрашувлари чоғида икки томонлама муносабатларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилади.

● Лондон суди Чилининг собиқ диктатори, генерал А. Пиночетнинг Англияда бўлиш муддатини 6 апрелга қадар узайтирди. Маълумки, А. Пиночет ҳозирча гаров тариқасида чиқариб юборилди.

● Лос-Анжелесда Америка «Оскар» киноакадемиясининг 71-марта совринлари билан мукофотлаш маросимлари бўлиб ўтди. «Севиб қолган Шекспир» фильми йилнинг энг яхши фильми деб топилди.

## СУРАТКАШ МУҲБИРГА — ҚИЗИЛ КАРТОЧКА

**КЕЧА**

Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида бўлиб ўтган навбатдаги футбол беллашувини ёритиш учун юборилган Тошкент оқшомбининг сураткаш муҳбири Рустам Шарипов билан у ҳаётида умуман кутмаган воқеа рўй берди...

Маълумки, одатда қизил карточка бош ҳакам томонидан майдонда ўйин қоидасини бузган футболчига кўрсатилади. Афсуски, бу сарфар у ҳўшёр бу сергак постбонлар томонидан сураткашга кўрсатилди. Пашшадан фил яшаш ниятимиз йўқ, Ле-

кин шундай бўлгани ҳақиқат. Сураткашимиз «сафардан» кайфияти бузилиб қайтди. Сабабини суриштирсак уни ўйингоҳга киритишмабди.

— Нега, нимага? Балки ҳўжжатиңгизни кўрсатмагандирсиз?

— Кўрсатдим. Лекин унашмади. Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қодир ака (фамилиясини айтишмабди) шундай буйруқ берган экан.

Барча уриниш югур-югурлар бекор кетди. Барибир билан капитан, бири лейтенант формасидаги постбонлар назоратидаги эшик дахлсизлигича қолди.

Марказий кириш жойидан ҳўжатларимизни кўриб ўтказишди. Лекин стадионга олиб кирувчи эшикда «тўсиқ» дуч келдик.

Албатта ҳўшёр ва сергаклик (қани энди ҳаммаша шундай бўлса) яхши. Лекин тартиб постбонлари «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш ҳақида»ги Қонунда муҳбирлар барча жамоатчилик жойларига киришга ҳақли ва у ердан зарур бўлган материалларни тайёрлаш ҳуқуқига эгадирлар, деган биткилардан хабардор бўлишлари лозим эди-да!

— Сўрадим. Лекин айтишмади. Ўзбекистон қўчаси томонидан ўйингоҳга бордим. Марқуд ОРИПОВ.



# ЮҚИШ ХАВФИ ЮҚОРИ

Сил юқумли касаллик бўлиб, уни сил микробактерияси деб аталувчи жуда майда мавжудотлар келтириб чиқаради. 1882 йили немис олими Роберт Кох силни келтириб чиқарувчи микроорганизмни кашф этган.

Агар сил микробактерияси, иммунитетни яхши бўлган танага киргудек бўлса, уни хужайра ва тўқималар эритиб йўқ қилиб юборди ёки микробактериялар қўлайиб, турли аъзоларга тарқалади ва касаллик келиб чиқади. Кейинги йилларда сил касаллигини бутун дунё халқлари орасида кенг тарқалётгани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги соғлиқни сақлаш ташкилотини жуда ташвишлантирмоқда. Чунки 90-йиллар якунига кўра 90 миллион киши сил билан касалланиб, уларнинг 30 миллиони ўлим билан туғаланиши кутилмоқда. Шу жумладан, бу миқдорнинг уч юз мингини болалар ташкил этади. Агар бу рақамларни бошқа касалликларга тақослайдиган бўлсак, силдан ўлаётганлар сони қолган касалликларга қараганда кўпдир. Бу ҳасталик ҳар бир сонияда бир одамга юқмоқда.

Силни тарқатувчи манба билан касалланган ҳамда йўталганда, аксирганда ва балғам билан сил микробактериясини ташқи муҳитга (бир кеча-кундузда 4-7 миллиардгача) чиқариб турадиган киши ва бу дард билан касалланган хайвонлардан олинандиган маҳсулотлар ҳисобланади. Сил секин-аста ривожланадиган касаллик бўлиб, барча ёшдаги инсонларни шикастлантириши мумкин. Лекин касалликнинг олдинчи олиш ва барвақт аниқлаш мумкин. Ҳозирги вақтда силга қарши эмлашда БЦЖ вакцинаси тери орасига кириштирилади. Биринчи эмлаш бола туғилгандан 3-5 кун ўтган амалга оширилади. Ҳосил бўлган иммунитетнинг кучи 5-6 йилга етади. Такрорий эмлашлар 1 ва 9-синфда ўтказилади.

Дардин аввалдан аниқлашдан қайтарилмади. Бунинг учун болаларда туберкулин синамаси ўтказилади. Шунингдек 12 ёшдан бошлаб барча аҳоли флюорография кўригидан 2 йилда бир марта ба ўтиб туриши лозим. Бундан ташқари ўпканинг

носпецифич касалликларига учраганлар, тез-тез шамол танага киргудек бўлса, уни хужайра ва тўқималар эритиб йўқ қилиб юборди ёки микробактериялар қўлайиб, турли аъзоларга тарқалади ва касаллик келиб чиқади. Кейинги йилларда сил касаллигини бутун дунё халқлари орасида кенг тарқалётгани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги соғлиқни сақлаш ташкилотини жуда ташвишлантирмоқда. Чунки 90-йиллар якунига кўра 90 миллион киши сил билан касалланиб, уларнинг 30 миллиони ўлим билан туғаланиши кутилмоқда. Шу жумладан, бу миқдорнинг уч юз мингини болалар ташкил этади. Агар бу рақамларни бошқа касалликларга тақослайдиган бўлсак, силдан ўлаётганлар сони қолган касалликларга қараганда кўпдир. Бу ҳасталик ҳар бир сонияда бир одамга юқмоқда.

Ушундан кўриш мумкин, сил касаллигини бутунлай даволаб юбориш мумкин. Бунинг учун ҳозирги вақтда 30 дан ортиқ дориювчи мавжуд бўлиб, уларни узоқ мудат қўллаш зарур. Бемор албатта шифокор маслаҳати билан даволаниши олиб бориши ва касалликдан ҳоли бўлгунча кунт билан даволаниши даркор.

Силнинг бошқаларга юқишининг олдини олиш ҳам муҳим. Сил бемори билан алоқада бўлган, у билан бирга яшовчи, бирга меҳнат қилувчи ошана-оғайнилари, танишлари ва ҳамкасблари флюорография кўригидан ўтишлари зарур. Шунингдек уларда ҳам туберкулин синамаси ўтказилади. Агар балғам ажратувчилари бўлса, албатта микробактерияга текшириш керак. Беморнинг кийим-кечак, асбоб-анжомларини бошқалар фойдаланмасликларини зарур. Бемор яшайдиган хоналар ва у фойдаланадиган нарсалар вақти-вақти билан дезинфекцияланиши лозим.

Ушунда СОДИКОВА, 4-синга қарши диспансернинг бош шифокори.

## Шифокор оғоҳлантиради ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИШ

Баҳор фаслида ёгингарчиликлар тўғрисида замбуруғларнинг ўсиб ривожланиши учун қўлай шароит вужудга келади. Ер остида эса бу замбуруғларнинг 100 миңдан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 туригагина истеъмол учун яроқлидир.

Ўзбекистон ҳудудида замбуруғларнинг 300 дан зиёд тури мавжуд. Бироқ шулардан 25 туригагина истеъмол учун яроқли ҳисобланади, уларни маҳаллий аҳоли кўзқоринлар деб атайдилар. Кўзқоринлар минерал моддалар, оқсил ҳамда С ва В гуруҳига мансуб дармондориларга жуда бойдир. Бироқ республикамиз ҳудудида ўсадиган кўзқоринларнинг 275 дан зиёд тури заҳарли ҳисобланади. Уларни қурбани қўқиб салласи деб ҳам аташади.

Бу турларга мансуб кўзқоринлар таркибида гелвелд кислотаси, фаллотоксин, аммонитоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлади, уларга қанчалик ишлов берилмасин, таркибидаги заҳарли моддалар йўқолиб қетмайди. Уларга қўзқоринларнинг 275 дан зиёд тури заҳарли ҳисобланади. Уларни қурбани қўқиб салласи деб ҳам аташади. Ушунинг учун бу ҳолда бу моддалар ичакка ўтиб қонга сўрилади ва заҳарланиши янада оғир кечади. Бу беморларни уй шароитида билар-билмас даволаш фожиа билан туғайи мумкин. Шунинг учун бу ҳолнинг олдини олиш учун зудлик билан «Тез тиббий ёрдам» хизматига қўнғироқ қилиш бўлимига олиб бориш керак.

Шухрат ЮСУПОВ, Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология бош бошқармасининг оғоҳланиш гигиенисти бўлими мудири.

лари ачишган болажонларни мудрок босди. Юлдузлар чарақлаган гўзал бир оқшомда ҳаммаёқни қувноқ қўшиқ овози тўтди. Дошқозон атрофиданлардан бири — саркомат, бежирим эғилган ей мисол қора қошиқ, қора холи ол ёноғига гулдек ярашғилқ бу ўланчи аёл ҳаммага яхши таниш. У бироз мудрок боса бошлаган чеҳраларга имоли боқиб «Қани уйқуираманлар» деди-ю, ёқими оҳангларда қалб туйғуларини қўшиққа солди:

*Дошқозонда сумалак,  
Каваламан армонда,  
Бир-бирининг кўнглини  
Оламанган армонда,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.*

Кўшиқ-қўшиққа ўланчи сумалак тонги яқин бўлди. Сумалак улғу илоҳий эътиқодга молик таом. Шу маъно: суюқоёқ, эрдан-эрга сакраб уят билмаганлар, оила бошини жанжалдан чиқармайдиганлар тақлидига кўлам хуш қўрилмайди. Сумалак илоҳий таомки, уни пиширганлар гуноҳлардан фориғ бўлади. Гуноҳлари йўқ эрса, унда тагин-да покиза бўлади. Бир олам савоб олади. Ниятлари тугал очил бўлади... Сумалакнинг юзага келиши ҳам қадимийдир. Умар Хайём ёзганларига асослансақ, бу илоҳий таомнинг тарихи милондинг биринчи минг йилликларига бориб тақалади. Қу-

вий ҳайитга айлантилган. Бу ҳақда Умар Хайём шундай ёзади: «Жамшид шу кунни (яъни фарвардин ойининг боши) Наврўз аталсин деб фармон берди ва одамларга ҳар йили фарвардиннинг киришини байрам қилишини, уни янги йил деб ҳисоблашни буюрди».

Бирок шуни ҳам унутмаслигимиз кераки, эронликларда Наврўз Жамшид подшоҳдан аввал ҳам кенг миқёсда нишонланганлиги маълум. Умуман, Наврўзнинг келиб чиқишига оид афсона, ривоятларни мазмунини иккига ажратиш мумкин, яъни улар: подшоҳ Жамшид билан боғлиқ бўлган, иккинчиси астрономик ҳолатга тааллуқли. Ҳўш, Наврўз бизнинг юртимизда қачондан урфа кирган? А. Беруний Наврўзнинг қадим ватанларидан бири Хоразм эканлигини қайд қилади. Мисол тариқасида Бургут қалъа, Жамбос қалъа ва Нисо кўрғонларида бунёд қилинган ва шу кунгача сақланиб қолган «олов уй-ларни келтиради». «Бургут қалъа марказида мовий гўмбалзи макбара бўлган. Макбара меҳробида Онан кўннинг ҳайкали турган. Унинг бир қўлида бугдой тўла лиқоқа ва юқорига кўтарилган тўла зумрад тош бўлган. Баҳорги тенг кунлида шамсий ҳисоб билан ҳамал ойининг биринчи кунни макбара гўмбазидagi туйнукдан қуёш нури Онанут қўлидаги зумрад тошга урилиб сумалак пишириш учун



Қадрятларимиз

# НАВРЎЗ — АСРЛАР САДОСИ



вончилиси сўнги пайтларда олимларимизнинг (Т. Қиличев) тадқиқотлари натижасида сумалак сайли билан боғлиқ «Ашшадрозин» уйини аниқланди. Хусусан сумалак Наврўз дастурхонининг кўрки. Табиат ва одамат ўртасидаги узоқ давом этган муносабатлар замирида юзага келган ва боқий аънамага айланган гўзал байрамлардан бири — Наврўзидир. Наврўзнинг пайдо бўлиши жамият тараққиётининг жуда қадим давларида бориб тақалади. Бизгача етиб келган қатор манбалар Наврўзнинг нақадар қадимий эканлигини далиллади. Жумладан, Шарқнинг буюк донишманди Абу Райхон Беруний (973-1048) «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонун Масъудий», «Ат-тафҳим», Умар Хайёмнинг ноидир асари — «Наврўзнома», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сингари асарларида бу шодибна хусусида қимматли фикрлар ёзиб қолдирганлар. Умар Хайём «Наврўзнома» асарининг муқаддимасида вафодор дўсти Наврўз унинг жорий этилиш сабаби, тарихини тушунтириб беришини илтимос қилганини айтади. Наврўз хусусида муқамал билимига эга бўлган Умар Хайём асарининг бошланғич қисмида шундай ёзади: «Наврўзнинг жорий қилиниши сабабини айтасак, у шундан иборатки, Офтобнинг икки айланчи мавжуд, уларнинг бири қўйидаги: Офтоб ҳар уч юз олтиш беш куну кечакунинг тўртдан бирида Ҳамал буржунинг биринчи дақиқасида чикиб кетган пайтнинг ўзида яна қайтиб келади ва ҳар йили бу давр қамал боради. Жамшид бу кунни тушунганидан кейин Наврўз деб атади ва шундан унинг қабул қилдирилди» (тарж: У. Отанов).

Бирок шуни ҳам унутмаслигимиз кераки, эронликларда Наврўз Жамшид подшоҳдан аввал ҳам кенг миқёсда нишонланганлиги маълум. Умуман, Наврўзнинг келиб чиқишига оид афсона, ривоятларни мазмунини иккига ажратиш мумкин, яъни улар: подшоҳ Жамшид билан боғлиқ бўлган, иккинчиси астрономик ҳолатга тааллуқли. Ҳўш, Наврўз бизнинг юртимизда қачондан урфа кирган? А. Беруний Наврўзнинг қадим ватанларидан бири Хоразм эканлигини қайд қилади. Мисол тариқасида Бургут қалъа, Жамбос қалъа ва Нисо кўрғонларида бунёд қилинган ва шу кунгача сақланиб қолган «олов уй-ларни келтиради». «Бургут қалъа марказида мовий гўмбалзи макбара бўлган. Макбара меҳробида Онан кўннинг ҳайкали турган. Унинг бир қўлида бугдой тўла лиқоқа ва юқорига кўтарилган тўла зумрад тош бўлган. Баҳорги тенг кунлида шамсий ҳисоб билан ҳамал ойининг биринчи кунни макбара гўмбазидagi туйнукдан қуёш нури Онанут қўлидаги зумрад тошга урилиб сумалак пишириш учун

Этибор қилинса ҳар икки манбада ҳам байрам тарихи Жамшид подшоҳ номи билан боғланмоқда. Абулқосим Фирдавсий ҳам Жамшид салтанатини қадим тилга таърифлайди: *Барча жам, одамлар назар тахтаи,  
Жаҳон қойил бўлиб шукўҳ бахтияи,  
Жамшидга соҳибар ошину давхар,  
Шу кунни янги йил баҳариди деишар* (тарж: Ш. Шомухамедов). Наврўз Жамшид даврига келиб омма-

Баҳор насими эсиб келди, оламни бе-замоқ учун фирдавс йўлини очди. Му-саффо баҳор яна ўз хукмига кирди. Оқ-ранг келиб, бўз ерни яна алван ранг-қоплади, олам ўзига оро бериб беэанмоқ таррадудига тушди. Қуёш қайтиб яна ўз ўрнига келди. Қуёш Балиқ (хут) ду-мидан Кўн (ҳамал) буржиса кўчди...

Уйқуга кирган дарахлар яна яшил тўн кийди. Киру далалар ол, сариқ, кўк, қизил рангли ҳарир ёпинчиқлар билан безанди. Турли-туман чечаклар кийғоч очилди, олам ичи ифор ва кофур иси билан тўлди. Ди-моғларни чоғ қилувчи сабо иси кўтарилди, бутун оламга мушқ-анбар хиди таралди. Фоз, ўрдақ, оққуш, қилқуйруқлар осмонни тўлдир-иб, кағиллашиб юқори, қуйи учмоқда. Маг-рур турналар кўзда овозини баралла ян-гратмоқда, тизилган тўя карвонидек учмоқ-да, ёлғурмоқда. Табиатнинг мана шундай дўнғилга олам-олам ором улашувчи дилхуш-дамлариди гўё унга ҳамоҳан бўлиб тонг сархалб бутун борлиққа қандайдир қўнғил-хуш чорлов оҳанглари тарала бошлади:

*Бар-ҳо,  
Кел-ҳо,  
Ҳамалам, ҳа,  
Амалим, ҳа,  
Сайла беида,  
Тезда етиб кел.  
Уйнагани кел.  
Қузгани кел.  
Тортишгани кел.  
Беллашгани кел.  
Келмасанг ҳам кел-о-о-о.*

Чорлов туйғулари. Паст-баланд қирлар оша садо бераётган жарчиларнинг кўн-ғирқоқдек янғроқ овозлари янги Наврўздан дар-рак. Кўк, алван рангга бурканган сайил ман-зараси гўё Чин ҳарир ипак матоларни ҳар томонга ёйгандек кўзларни ёндиради. Кат-та Наврўз шодибнаси. Бир томонда куй ав-жида. Бир томонда жарчи-ю, қуйловчилар Наврўз таърифида қўшиқ тўқир:

*Келса шибоби Наврўз,  
Олам гулистон бўзгусу,  
Осмондан еру заминга,  
Обу раҳмат ёғгусу.*

Наврўз таърифи-ю олқиш туйғуларининг адоғи йўқ. Кўк гиламдек товланган майса-лар устида халқ ўйинлари: тортишмақоқ, масхарабозлиғи, дорбозликлар авжида. Кўк-лам либосини кийган тол тағида кизу жувон-лар, илгити болалар жамул-жам бўлишиб халинчак учинар. Бирдан эзгуликнинг фар-раббахш олами ичра ёқимли оҳанглари тар-рала бошлади. Қизлар ичида қўп-қора, но-зик майин сочлари кўнғирқоқдек бўлиб бўйинига тушиб турган соҳибжамол киз о-возини аста-аста қўйиб халинчак ҳаракати-га мослаб қуйларди:


*Тонгда эсап шамолга,  
Халинчакда учдиёми?  
Қизина, ҳо қизина,  
Халинчакда учдиёми?  
Халинчакда учган сўнг,  
Қўшай бўлиб учдиёми?*

Қуйлаётган соҳибжамолнинг дилбар то-вуши, нафис, ўзига ярашқили қилиқлар, ҳа-ракатлари, ноз, имоли қарашлари манман деган йигитларнинг кўнгли торларини чер-тиб ўтарди. Баҳор шодибнасида кизларни-нг латофат уфуриб турган муомалалари, чеҳраларда балқиб турувчи ишвако назоқат саринчоқ умқоқда шерик танлаётган йигит-лар қалбига кўтаринки руҳ бағишларди. Ку-лоққа урилаётган шўх оҳанг йигитлар кўзи-ни ёндириб юракларни ўйнатиб, дилларни ўртатувчи чеҳралар баҳодирлар учун асл байрам кўрки. Арғимчоқ халинчак учиб ин-соннинг боқий удуларига қаноат башх эша-диган, орзулар камалагидек жилонланган ҳаётнинг нури, ҳузурли манзилларига чор-лайдиган Наврўз каби қўнча ундимир. Но-дир қўлёзма манбалар ҳам халинчак учиб қадимий эканлигини асослайди: «Жамшид ўзига арава ясаб олган, ўша кунни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳа-вога кўтариб, бир кунда Дунбобанддан (Да-мованд тоғи) Бобилга олиб бордилар. Одам-лар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг (аравага учинишга) тақлид қилиб, арғимчоқларда уч-дилар» (А. Беруний). Демак, арғимчоқ ўзи шодимнинг юзага келиши ҳам маълум маъно-да қўнча Наврўз билан боғлиқ. Наврўз шод-ибнасини болаларнинг тасаввур эъти-си қийин. Наврўзнинг асл жозибаси ҳам асли-да дилбандларимизнинг қувноқликларига би-лан. Болалар қувночини асти қўяверинг. Уларнинг шодлиги оламни тутган. Юзлари-да табассум. Фусункор табиат болаларнинг шўх-шодон қий-чувлари билан янада гўзал бир манзарага айланади, борлиқ шўх бола-ларнинг янғроқ овозларига тўлган кезде қуйланаётган мана бундай қўшиқни эшит-самиз:

*Уйнаб-уйнаб қуйлаймиз,  
Қуйлаб-қуйлаб ўйнаймиз,  
Оқ тераким, қўқ терак,  
Биздан сизга ким керак?  
Муҳаббат қўнғироқ керак.*

Қаранг, қўшиқдаги ҳар бир сўз ўйиннинг ҳолати ва ҳаракатларига омухташтирилиб гўё ваэнага солингандай. Ҳатто, қўшиқдаги қўфия ва оҳанги, шунингдек, танланган сўз-ларнинг нафис, ўйноқлиги жиҳатдан ўзига хос бадиий ҳодиса даражасида дейишимиз мумкин. Яна қўшиқдаги топқирлик-чи? «Му-ҳаббат қўнғироқ керак», «ола-була капалак, Орқа сочим ҳамалак». Бу ажойиб менгаш-лар уйинчилар ҳолатини ифодалайди. Со-чага жамалак тақилганда «ола-була» капалак-ни эслатиши табиий. Бу мурқал қалб те-барнишларининг оҳанглари, бутун авлод аж-доди шориру баҳши ўтган энг кичик аялдо-нинг шууридан тўқилган дўрлар. Шилдираб оқаётган тоғ жилваси бўйига тўшалган гила-ман устида кизалоқлар жам бўлиб тўпшош уйнашмоқда. Зеро, баъзан ўйинга ташлан-ган орти тош бир-бирига урилмаслиғи ке-рак. Шўк этган товуши чикса бас — юткази-ш белгиси. Энг муҳими, бу ўйин ҳам ўзига хос туйғуларга бурканган. Яна «Ҳаммони», «Тоҳимхаммад», «Чумоли», «Тўй келди», «Ҳа-калама» сингари қўшиқлар ҳам борки, улар-даги бетакорр бадиий жозоба кишини маф-тун қилади. Қўшиқларнинг болалар бадиий идрокини камол топшиши, нутқининг, ко-биялатининг ўсишида ўзига хос ўрни бор. Бо-лаларнинг шўх-шодонликларига боқиб ота-бобаларимиз ич-ичидан қувонар, шукрона-лар айтдилар.

Тун оғди. Болалар овози бироз тинган, одамлар сийрақлашгандай бўлди. Катта-катта до-шқозонларда баҳор элчиси, яхшилик белги-си, Наврўз кўрки — сумалак пиширунги ки-ришилди. Қозон гирдида аёллар гурунги ав-жида. Эртак эртатка, топишмоқ топишмоқ-қа уланди. Кунданнинг аччиқ тутунидан кўз-



Уч кун давомида «Юнусобод» спорт саройида 17 давлатнинг 213 нафар энг кучли полвонлари, халқаро кураш федерацияси (FILA) вакиллари, ҳакамлари, турли мамлакатлардан ташриф буюрган кураш оламининг собиқ юлдузлари иштирокида ўтган бўйлиги «Мустақиллик Кубоги» халқаро турнири баҳслари ҳам фикримиз далилидир. Бу турнир мамлакатимиз полвонлари учун бўлгани Олимпия уйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари олдидан катта маҳорат мактаби, тайёргарликнинг муҳим босқичи вазифини ўтаётгани шубҳасиз.

Ўтган яқшанба кунини ўтказилган ярим финал ва финал беллашувлари айниқса қизиқarli лаҳзаларга, шиддатли усулларга бой бўлди.

лашуви ўзгача руҳда кечди. Ўзбекистонлик Маис Ибодов бутун маҳоратини ишлатиб, Россия вакили Леонид Шушунини 5:2 ҳисобида ютиб, шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди. 63 килограммликлар ўртасида биринчи «Мустақиллик Кубоги»да голиб чиққан ҳамюртимиз Рамил Исломов россиялик Шамсо Ламажаповни 5:4 ҳисобида энгиб турнир голиби бўлди. Бу гал жаҳоннинг энг кучли курашчиси Б. Сайтиев жуда муносиб рақиб — Осиё чемпио-

диев, Б. Сайтиев, А. Шумилин (ҳаммаси Россиядан), Э. Куртанидзе, Т. Гинетшелавили, Т. Мелелашвили (учоғи Грузиядан), У. Халилов (Қирғизистон), А. Батура (Белоруссия), П. Батар (Мўғулистон)лар ҳам мусобақа голиблари бўлишди. Барча голиб ва совриндорларга махсус Кубоклар, дипломлар ва пул мукофотлари топширилди.

Биз турнир сўнггида унинг айрим иштирокчилари ва меҳмонларини суҳбатга тортидик.

Ўзбекистонлик курашчилар ҳам ўсиш суръатидалигини 9 нафар финалчиларга яққол исботлаб турибди. Уйлайманки, ўзбекистонликлар учун бундай юқори натижа Наврўз байрамга муносиб совға бўлди.

**• Сергей БЕЛОГЛАЗОВ, Россия терма жамоасининг бош мураббийси, икки карра Олимпия, олти карра жаҳон чемпиони:**

— Мусобақаларнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Зеро бу-

Олий ўқув юрталарига




# ТАЛАБАЛАРГА ТУҲФАЛАР

**2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида спорт мажмуаси, тиббиёт тарихи музейи ва ўқув зали илк бор ўз эшикларини очди.**

**Халқимизнинг энг сеvimли байрамларидан бири бўлган Наврўз ҳамisha янги-янги совғалари билан кутиб олинади. Чунинчи, у давлатимизда олий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида уқан ислохотлар ўтаётган даврда нишонланмоқда. Тиббиёт, юртимиз, жамиятимиз учун нафақат юқори савияга эга бўлган ва ўз ишини меҳр-салоҳат билан бажарувчи мутахассислар даркор, балки жисмоний жиҳатдан чиққан, шу билан бирга, руҳан ва маънавий соғлом ерачлар зарурдир.**

ларга хоридан олинган 347 номдаги энг янги тиббий адабиётлар таржимасини тақдим этади. Замонавий ўқув залининг очилиши институтнинг ахборот олиши, яъни ўқув-тарбия, методик ва илмий ахборотлар олиш имкониятларини маълум даражада кенгайтиради. Ушбу зал илмий методик хизматни таъминлаши билан бирга, нусха кўчириш ва кў-

Ушбу айёмда спорт мажмуасида иккита ажойиб катта теннис корти, тренажерлар билан жиҳозланган спорт зали, энгил атлетика майдончалари, стол тенниси зали, сув ҳавзаси ва сауна бўлиб, унда институт ўқувчи ва ходимлари, талабалар маданий хордик чиқариши, ўз соғлигини тиклаши ва мустаҳкамлаши мумкин. Мазкур мажмуанинг очилиши нафақат институт жамоасини соғломлаштириш, балки спорт беллашувларида кўплаб меҳмонларни қабул қилишга ҳам имкон туғдиради.



Шу айёмда очилган тиббиёт тарихи музейи мажмуаси талабаларни маънавий ва руҳий қадриятларни улуғлаш руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Музей шарқнинг ўтмиш қомусий олимлари, бизнинг буюк боболаримиз, шунингдек, ҳозирги замон тиббиётини, соғлиқни сақлаш тизimini ташкил этган олимларимиз хиббони билан бошланади. Уларнинг номлари тошга битилган ва келгуси авлод хотирасида абадий қолажақдир. Музейда тиббиёт фанининг кечаги, бу кунги ҳаёти ва келажаги, шунингдек институтнинг ҳозирги кунини уйғунлиқда акс этган. Музейнинг очилиши нафақат ўтмишни эъзозлаш, балки келажақ эшиги ҳамдир. Ушбу ажойиб хотираномаларда хали кўплаб шифокорлар тарбияланади. Институт оstonасида биринчи бор қадам қўйган талабалар биринчи курсдан бошлаб маънавий дарсни шу музейда ўтадилар. Шу ерда улар онгига маънавий аъналар, инсонпарварлик гоълари сингдирилиб, уларда фахрланиш ва келажақ йўлини очиб берган кишиларга нисбатан юксак ҳурмат тўйгулари шакллантирилади.

Наврўз байрами шарофига институтимизда яна бир нодир тадбир тайёрландики, бунда янги тамойилда ўқув зали китобхоналар учун ўз эшигини очди, — дейди институт ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Хамид Каримов. — Замонавий дизайн, энг замонавий русумдаги компьютер жиҳозлари, интернет тизимига боғлианиш ва бошқа кў-

лайликлар институт профессор ва ўқитувчилари жамоаси, илмий ходимлари, талабаларга жуда оз дақиқаларда тегишли тиббий ахборотларни олишга имкон беради. Янги ўқув зали жавоналари нафақат республикамизда, балки яқин ва узоқ хориджа чоп этилган даврий нашрлар билан лиқ тўлган. Мазкур ўқув зали ўқувчи-

## Мустақиллик Кубоги

# ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ПОЛВОНЛАРИ

### ШОҲСУПА ТҮРИДА

**Юнон-рум ва эркин кураш бўйича «Мустақиллик Кубоги» мусобақалари Ўзбекистон спорт ҳаётида яқинда — 1997 йилнинг ноябрида пайдо бўлган бўлса-да, ўтган қисқа муддат ичиди мисоли яшин қаби қақнаб ундан ўзининг мустаҳкам ўрнини олиб, хоридий эларда ҳам тилларда дoston бўлди десак, хато қилмаймиз. Энг муҳими, турли-туман нуфузли спорт мусобақаларига бой жаҳон ичра «Мустақиллик Кубоги» турнири жуда тез ўз нуфузига эга бўлди.**

**• Аглан БАРАЕВ, Россия спорт курашлари Федерациясининг биринчи вице-президенти, Жаҳон, Европа чемпиони, Жаҳон кубоги соҳиби, «Яхши ният уйинлари» голиби:**

— Мен биринчи навбатда шундай чиройли мусобақаларни ташкил этаётган, умуман бутун спортни кўлаб-кўватлаётган республика раҳбариятига миннатдорчилик изҳор қиламан.

Очиги, жаҳонни кўп кезган бўлсамда, ҳакамлик, ташкил қилиш, иштирокчиларга хизмат кўрсатиш, спорт саройининг шароитлари бўйича ҳеч қаерда бундай мусобақаларни учратмаганман. Энг муҳими, «Мустақиллик Кубоги» тўғрисида кураш ривожланган барча мамлакатларда гапиришмоқда. 31 март — 5 апрелда АҚШда Жаҳон кубоги, 14-17 апрелда Европа чемпионати ўтказилиши сабабли иштирокчилар биров камроқ бўлди. Уйлайманки тез орада Ўзбекистон мустақиллиги кубоги жаҳоннинг энг нуфузли турнирларидан бирига айланади.

**• Камандар МАЖИДОВ (Қозогистон), Олимпия чемпиони, уч карра Европа чемпиони:**

— Мусобақалар олий даражада ташкил этилган. Беллашувларнинг даражаси юқорилигини эса кўлаб жаҳон, олимпия, Европа ва Осиё чемпионлари, совриндорлари қатнашганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Буни қарангки, бизнинг Олимпия чемпионимиз Ю. Мельниченкога атиги учинчи ўрин насиб этди.

тун Марказий Осиё бўйича бошқа бундай кучли турнир йўқ. Ўзбекистон спорт курашларининг ассоциацияси президенти М. Рўзиев, эркин кураш федерациясининг президенти С. Абдувалиев, республика спорт кўмитаси катта тайёргарлик ишларини амалга оширганлиги кўриниб турибди. Уйлайманки, бу май ойида шаҳрингизда ўтказиладиган Осиё чемпионати олдидан яхши тайёргарлик вазифини ўтади. М. Ибодов, Р. Исломов каби курашчиларингизнинг келажагига ишонаман.

**• Рамил ИСЛОМОВ (Ўзбекистон), Эркин кураш бўйича 63 килограммликлар ўртасида мусобақа голиби:**

— Финал мен учун огир кечди. Зеро рақибим Ш. Ламажапов Россиянинг энг кучли курашчиларидан ҳисобланади. Эндиликда шаҳримизда ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраман.

Ҳа, барча иштирокчилар, меҳмонларнинг мусобақа тўғрисидаги фикрлари ана шундай кўтаринки. Биз фақат шуни таъкидлаб ўтишни истардикки, келаси йили ўтказиладиган «Мустақиллик Кубоги» халқаро турниридаги юнон-рум бўйича мусобақаларга Австралия олимпиадасига саралаш босқичини ўташ ҳуқуқи берилди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ, СУРАТЛАРДА: «Мустақиллик Кубоги» турниридан лавҳалар.**  
Рашид Галиев олган суратлар.




қиқа 48 сонияда соф галабага эришди. 54 килограммликлар ўртасида эса тошкентлик Аҳтам Очилов ўзининг хитойлик рақибни устидан 10:0 ҳисобида устун келди.

Хуллас шу тариқа ўз ажойиб маҳоратларини намойиш қилган ҳолда бизнинг 9 нафар курашчимиз эркин ва юнон-рум кураши бўйича финал беллашувларига йўлланма олишди.

Халқаро турнирнинг финал баҳсларини юнон-рум кураши бўйича 54 килограмм вазнда ҳамюртимиз Шамсиддин Худойбердиев ва кирғизистонлик спортчи Урол Халиловлар бошлаб беришди. Жуда шиддатли ва тенг кенган баҳснинг асосий вақти 5:5 ҳисобида тугади. Фақат кўшимча вақтда Шамсиддиннинг рақибига омад кулиб боқиб галаба қозонди. Худди шу вазнда эркин кураш бўйича иккинчи финал бел-

130 килограмм вазнларда икки ҳамюртимиз финалга чиқиб ҳар иккаласи ажойиб галабаларга эришди. Хусусан, дастлаб Исомжон Кенжаев белоруссиялик Сергей Лиштванга галаба учун ҳеч қандай имконият қолдирмай 3:0 ҳисобида энгди. Пулат мушақли паҳлавон Шуҳрат Саъдиев жуда қийин баҳсда ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони — яна бир белоруссиялик спортчи Дмитрий Дебелкани 3:2 ҳисобида энгиб зафар кўчди.

Шундай қилиб, ўзбекистонлик олти нафар курашчи ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан жой олди. Уч спортчимиз иккинчи, беш курашчимиз эса учинчи ўринларни эгаллаб ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Шунингдек, М. Манукян (Қозогистон), В. Аллахвер-



## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТИЖОРAT ТЕХНИКУМИ**

**Аудитор, автосервис менежери, менежер, бухгалтер, солиқлар ва солиққа тортиш, тадбиркор, пул ва кредит мутахассисликлари учун тайёрлов курсларига қабул эълон қилади.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 105-уй.**

**Трамвайлар: № 7, 28, 24.**

**Троллейбус: № 15**

**Автобуслар: № 138, 32, 57, 38, 58, 69, 79.**

**«Қон қуйиш институти» бекати.**

**ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!**

Сизнинг лотерея билетларини харид қилиш учун пул сарфлашингизга ҳожат бўлмайди. Сиз электрон фойдаланганлик учун ҳақини ўз вақтида тўлаган ҳолда ушбу мукофотлардан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.

Ҳар чоракда ўтказиладиган қимматбахў ютуқлар тиражидида электр қуввати учун тўловлар бўйича қарзи бўлмаган маиший истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб рақамлари қатнашади.

**Навбатдаги ютуқлар тиражи 15 апрелда ўтказилади.**

**Маълумотлар учун телефонлар: 133-82-03, 136-60-32.**

**Электр энергияси ҳақини ҳар ойда тўлашни унутманг!**

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОНИ»**

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъъияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносибати билан қўтловларни, ниҳоят эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртади.

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

**Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. — 209**

Навр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**